



# Тошкент Оқшоми

2019 йил 11 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 167 (14.014)

Баҳоси эркин нарҳда

**Хабар қилинганидек, пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Тиббиёт ходимлари куни байрами ўзгача кўтаринки руҳда ўтказилди.**

**Байрам тадбирида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, шифокорлар, ҳамширалар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, маданият ва санъат намояндalари иштирок этди.**

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.**



## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ЭЪТИБОР ТЎҚИС ҲАЁТИМИЗ АСОСИ

Бу йил илк бор байрам муносабати билан Президентимиз фармонида мувофиқ, соҳанинг бир гуруҳ фидойи ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева тантанали топширди.

Президентимиз табригида таъкидланганидек, тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун аҳолиимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодир бўлади.

Шу маънода, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини амалга оширишда ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётдан, бугунги кундан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда.

Халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика, патронаж ёрдами янада яхшилаш, тез ва шозилинч тиббий ёрдам ҳамда ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини юксалтириш, аҳолини арзон ва сифатли доридармон билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривож-

лантириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш бўйича 170 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Фармон билан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Соҳани молиялаштириш ҳажми бир неча баробар оширилди. 2017 йилда соҳага 7,1 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 12,1 триллион сўмга етгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда тиббиёт объектларини қуриш-таъмирлаш ишларига ажратилаётган маблағлар микдори 3 баробар ортди.

Мамлакатимизда профилактик тиббиётни ривожлантиришга эътибор тобора кучаймоқда. Айни пайтда халқимизга бу йўналишда 1793 амбулатория-поликли-

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ника муассасаси, жумладан, 817 кишлоқ врачлик пункти, 798 кишлоқ оилавий поликлиникаси, 178 шаҳар оилавий поликлиникаси хизмат кўрсатмоқда.

Тиббиётнинг бирламчи тизимини мақбуллаштириш ишлари натижасида кишлоқ оилавий поликлиникаларида аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, тез ёрдам шохбачалари ва ижтимоий дорихоналари, 5 та тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилди.

Аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган соҳа – шозилинч ва тез ёрдам хизмати фаолияти ҳам кейинги йилларда янги босқичга кўтарилмоқда. Тез ёрдамнинг махсус санитар автотранспорт паркни янгилади. Тизимда икки ярим мингга яқин "Nissan", "Hunday", "Toyota" русумли ва бошқа замонавий тез ёрдам машиналари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Янги харид қилинган 281 реанимобиль зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. 2019 йилда яна 150 тиббий асбоб-ускуна ва алоқа воситалари билан тўлиқ жиҳозланган "FORD" русумидаги реанимобиль харид қилинди.

(Давоми 3-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, соҳага доир дастурлар ижросини муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, илғор хорижий тажриба ва замонавий давлош усулларини амалиётга кенг татбиқ этиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, чуқур билим ва юқори малакага эга мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони билан**

**Джаббаров Бибинор** – Денов тумани тиббиёт бирлашмасининг кардиология бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАР, ҲОМИЛАДОРЛАР ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болалар учун замонавий, юқори технология, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ:

**1. Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари эътиб белгилансин:**

репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган бирламчи тиббий ёрдам ҳажминини кенгайтириш ва сифатини ошириш; аёллар ва болаларга малакали, ихтисослаштирилган юқори технология тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий инфратузилмани шакллантириш; ҳомиладор аёллар ва болалар учун ихтисослаштирилган юқори технология тиббий хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг биналарини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва янгиларини қуриш; ногиронлиги бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда)

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10-11 октябрь кунлари Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Тадбирда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида МДҲ давлатларининг стратегик иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги декларация ҳам бор.**

**Декларация Ҳамдўстлик доирасида ҳамда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш имконини берувчи самарали ҳамкорлик механизмларини яратишга қаратилган. Қуйида ҳужжатнинг тўлиқ матни келтирилади.**

## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

Биз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (кейинги ўринларда – МДҲ, Ҳамдўстлик) аъзо давлатлар раҳбарлари, Ҳамдўстликнинг ва МДҲ аъзоси бўлган ҳар бир давлатнинг иқтисодий манфаатларини амалга ошириш, ҳам МДҲ доирасида, ҳам минтақа ва минтақалараро миқёсда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий алоқалар ривожланишини такомиллаштиришга имкон берувчи самарали ҳамкорлик механизмлари яратишига катта аҳамият қаратиб,

МДҲда ва МДҲ аъзоси бўлган ҳар бир давлатда ўзаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш бўйича мавжуд бой тажрибага таянган ҳолда,

халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ва тенг ҳуқуқли мустақил давлатларнинг ҳамкорлигига асосланган дунёдаги энг йирик минтақавий халқаро ташкилотлардан бири сифатида,

янги глобал ва минтақавий таваккалчилик ва хавфлар пайдо бўлганини ҳисобга олиб,

қавий ва минтақалараро даражада ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари излаш мақсадида МДҲга аъзо давлатларнинг сайёҳ-ҳаракатларини жиپслаштиришга интилиб, барқарорликни мустаҳкамлаш ва узулқис иқтисодий ривожланишини таъминлаш, глобал тинчлик, тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини ошириш, кўп томонлама конструктив мулоқотни тўхтовсиз кенгайтириш мақсадида МДҲга аъзо давлатларнинг стратегик иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш янада давом эттирилишини маълум қиламиз.

МДҲга аъзо давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг асосини Евроосиё минтақасида барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим компоненти бўлган тенг ҳуқуқли шерикларнинг мустаҳкам иттифоқи ташкил этади. Ушбу иттифоқ Европа ва Осиё мамлакатлари учун узоқ муддатли ва истиқболли иқтисодий ҳамкор, минтақавий аҳамиятга эга йирик энергетик ва транспорт-транзит узелли ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда)

## Сайлов – 2019

### ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси депутатликка номзодларнинг рўйхатини тақдим этди.**

Марказий сайлов комиссиясига ушбу партиялар раҳбарларининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб киритган аризаси қабул қилинди.

Сайлов кодексига мувофиқ, партиялар депутатликка номзодлар рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Бу ҳақдаги мурожаатда сиёсий партия юқори органининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек, сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади.

Шунингдек, депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, эгаллаб турган лавозимдан бўшаш тўғрисидаги аризаси илова қилинади.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилаётган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш мuddати тугаланишига етти кун қолганида яқунлайди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни беш кунлик мuddат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Кодекс талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқлик-

лар ва ушбу кодекс талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига маълум қилади. Сиёсий партия ҳужжатлардаги аниқланган номувофиқликлар ва хатоларни икки кунлик мuddатда тузатишга ҳамда уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этишга ҳақли.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг жорий йил 1 ноябрь кунини бўлиб ўтган VI съездида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 150 сайлов округи бўйича номзодлар кўрсатилади. Партия ушбу номзодларни расман рўйхатдан ўтказишни сўраб Марказий сайлов комиссиясига ариза тақдим этди.

Мазкур партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатиладиган номзодларнинг 36 фойизи аёллар. Номзодларнинг 31 фойизи педагоглар. Шунингдек, иқтисодчилар 31, шифокорлар 8, ҳуқуқшунослар 6, журналистлар 9 фойизни, номзодларнинг қолган қисминини бошқа соҳа вакиллари ташкил этмоқда. 70 фойиз номзодлар 30 ёшдан – 50 ёшгача.

Ўзбекистон Экологик партиясининг жорий йил 4 ноябрь кунини бўлиб ўтган II съездида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 150 сайлов округи бўйича номзодлар кўрсатилади. Партия ушбу номзодларини расман рўйхатдан ўтказишни сўраб Марказий сайлов комиссиясига ариза тақдим этди.

Ўзбекистон Экологик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатиладиган номзодларнинг 37 фойизи аёллар. Номзодларнинг аксарият қисми, яъни 29 фойизи экологлар, педагоглар 24, шунингдек, шифокорлар 22, иқтисодчилар 11, ҳуқуқшунослар 4, номзодларнинг қолган қисминини бошқа соҳа вакиллари ташкил этмоқда. 65 фойиз номзодлар 30 ёшдан – 50 ёшгача.

**Н.АБДУРАИМОВА**



● Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва "Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти ташаббуси билан мамлакатимизда энергия самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбир давомида савдо ярмаркалари ҳам ташкил этилди. Унда энергия тежовчи ва қайта тик-

ланувчи қурилмаларни ишлаб чиқарувчилар, йирик корхоналар, шунингдек, тижорат банклари энергия самарадорлиги соҳасидаги ютуқларини намойиш этиш имконига эга бўлди.

● Узсаноатқурилишбанк томонидан банк-молия хизматлари этиб борманган шаҳар марказларидан олисдаги кишлоқ ва овулларда ҳам замонавий тизимда хизмат кўрсатишни ташкил этиш ишлари фаол олиб борилмоқда. Хусусан, замонавий ёндошулар асосида барпо этилиб, аҳоли эътиборига хавола этилаётган Банк хизматлари марказининг навбатдагиси Қўқон шаҳрида ишга туширилди. Марказ илғор коммуникация воситалари ҳамда замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Уларда малакали банк ходимлари юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламли банк ва консалтинг хизматларини кўрсатади. Ҳисоб рақам

очиб, кредит олиш учун ариза бериши, онлайн омонатни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмалари марказдаги хизматлар сирасига кирди.

● Ўзбекистон Республикасининг Австриядagi элчихонаси ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида Австриянинг "AGRANA STARCH" компанияси томонидан вилоятда агрокластер ташкил этилади. Таъкидлаш жоизки, Европа ҳамда дунё миқёсида агрокластер соҳасида ўзига хос мавқега эга бўлган "AGRANA STARCH" компанияси тизимида бугунги кунда 9 мингдан ортиқ ишчи-ҳодим фаолият олиб боради. Мазкур йирик компания дунёнинг ўнлаб давлатларида 60 дан ортиқ ўз корхоналари эга бўлиб, ўртача йиллик даромади 3 миллиард евродан кўпроқни ташкил этади.



● Англия пойтахти Лондонда машҳур Миср фиръавни Тутанхамоннинг даврига оид осори-атиқалардан иборат экспонатларнинг намойиши бошланди. 150 та нобё артефактлардан ташкил топган ушбу коллекция билан мухлислар 2020 йилнинг май ойигача танишишлари мумкин бўлади.

● 2019 йил бошидан бери дунёда содир этилган энг йирик терактлар оқибатида 9 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлган. Бу ҳақда Россия хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Юрий Коков маълум қилди. Унинг таъкидлашича, 2018 ва 2019 йилларда 70 га яқин давлат 5 мингдан кўпроқ йирик терактни бошдан кечирган. Террорчилар ҳужуми оқибатида 30 мингга яқин одам жабрланган. Таъкидлаш жоизки, террорчиларнинг асосий нишонини халқаро террорчиликка қарши курашда энг кўп ҳисса қўшган давлатлар бўлиб қолмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҶИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Абдуллаев Нурмаат – Самарқанд давлат тиббиёт институту клиникаси бош шифокори, Самарқанд вилояти

Азизов Мирҳаким Жавҳарович – Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Баратов Абдуманнон – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали ҳамкор ва асоратланган жароҳатлар бўлими мудири, Жиззах вилояти

Искандаров Тулкин – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

Тураев Раҳматилло Фузайлович – Бухоро шаҳри тиббиёт бирлашмасининг травматология ва ортопедия бўлими мудири, Бухоро вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Даминов Ботир Турғунпулатович – Республика ихтисослаштирилган нефрология ва бўйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Ерназарова Умитгул Қуниязовна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали санавиация бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Мирзалходжаева Миясар Джумабаевна – Қуйи Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам шохбчаси катта фельдшери, Тошкент вилояти

Саломатиддинов Зухриддин – Андижон давлат тиббиёт институтининг 1-умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси мудири, Андижон вилояти

Саримсақов Хомитжон Аҳмедович – Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Фарғона вилояти

Сулейманова Дилора – Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг анемия маркази мудири

Умарова Хайитгул Рузиевна – Қамаш тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Қашқадарё вилояти

Хайритдинова Мавжудахон Хамзаевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Халилова Замира Абдуғаниевна – Олмазор туманидаги 14-оилавий поликлиникаси бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Мамадумарова Ширмонхон Якубжановна – Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими неонатологи, Наманган вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдураимова Манзура Қувандиковна – Боёвут тумани тиббиёт бирлашмасининг 2-кишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Сирдарё вилояти

Гафаров Бобожон Гафарович – Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими мудири, Навоий вилояти

Давлетова Дилорам Ринатовна – Тошкент шаҳри 5-болалар клиник шифохонаси бош шифокори

Дзугаева Людмила Руслановна – Хоразм вилояти Болалар уйи бош шифокори

Ешмуратов Замира Джалгасовна – Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Абдулазиз Абдуҳалимович – Андижон шаҳридаги “VISUS” масъулияти чекланган жамияти офтальмолог-жароҳи, Андижон вилояти

Ким Клара – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали шошилинч педиатрия бўлими мудири, Фарғона вилояти

Қосимова Сайёра Ганиевна – Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Жиззах вилояти

Мўминов Аскар Убайдуллаевич – Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бош шифокори

Пулатова Шахноз Садуллаевна – 1-Республика клиник шифохонасининг реабилитация-неврология бўлими мудири

Расулова Саодат Чоршанбиевна – Ургант туманидаги “Мурувват” ногиронлар учун интернат уйи кичик тиббий ходими, Самарқанд вилояти

Рўзикулов Шухрат Холматович – Термиз шаҳри юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

Сафарова Гулнора Қохоровна – Когон шаҳри тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими педиатри, Бухоро вилояти

Султонсаидова Мухарам – Оққўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлигининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

Усанова Мухтарам Баратовна – Нишон тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими ҳамшираси, Қашқадарё вилояти

Ходжаев Искандар Юнусович – Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар травматологияси бўлими мудири

“Дўстлик” ордени билан

Азизов Исматджан Қазимович – Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспортisasi ва стандартлаштириш давлат марказининг Гиёҳванд воситаларини назорат қилиш қўмитаси раиси

Ақбаров Миршавкат Миралимович – Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири

Аҳмедов Қарабек Уралович – Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери, Сирдарё вилояти

Байманова Замира Атахановна – Гулран тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Хоразм вилояти

Давлетова Жамила Жоллибаевна – Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлигининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримова Эзазон Эгамбердиевна – Мархамат туманидаги 33-кишлоқ оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси, Андижон вилояти

Отепова Бахтигул Жусуповна – Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Учқудук тумани бўлинмаси ижрочи директори, Навоий вилояти

Пушкарёва Ольга Викторовна – У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий асаб касалхонаси бўлим бошлиғи

Расулов Отабек Адилевич – Сурхондарё вилояти перинатал маркази директори

Сайидов Тўракул Жўракулович – Пешку туманидаги “TJS-MED” масъулияти чекланган жамияти бош шифокори, Бухоро вилояти

Фетиев Эдем Решатович – Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими педиатри, Наманган вилояти

Филиппова Марина Николаевна – Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмаси катта ҳамшираси, Самарқанд вилояти

Ширгазина Раиса Хакимовна – Фарғона вилояти 2-сил касалликларига қарши курашиш диспансери фтизиатри

Якубова Мамура Махаматовна – Тошкент шаҳридаги “Мурувват” ногирон болалар учун 1-интернат уйи ҳамшираси

“Шухрат” медали билан

Абдурахманова Джамиля Тулкуновна – Янгийўл шаҳридаги “Рустамбек ният” хусусий корхонаси раҳбари, Тошкент вилояти

Азизов Маматкул Курбанович – Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Аминжонова Гулшодхон Низомовна – Сўх тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими ҳамшираси, Фарғона вилояти

Артикова Саидохон Саъдуллаевна – Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонаси катта ҳамшираси

Бахронов Аскар Солиевич – Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Давлатов Азамат Ибройимович – Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Даминова Гулнора Ашуралиевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали анестезиология ва реаниматология бўлими ҳамшираси, Сурхондарё вилояти

Джураева Гуландом Мухтаровна – Зарафшон шаҳри кўп тармоқли марказий поликлиникасининг терапия бўлими участка терапевти, Навоий вилояти

Досматов Раноюн Жумабаевна – Қосонсой тумани тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар бўлими ҳамшираси, Наманган вилояти

Каримова Гулсара Райимовна – Яккабоғ туманидаги “Саховат” кексалар ва ногиронлар учун интернат уйи катта ҳамшираси, Қашқадарё вилояти

Каримова Нигора Хабибуллаевна – Тошкент шаҳри 1-болалар клиник шифохонасининг анестезиология ва реанимация бўлими ҳамшираси

Қулдашев Абдунаби Ибдуллаевич – Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Мирсагатовна Клара Қарабаевна – Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси неврология бўлими катта ҳамшираси

Мухитдинова Ёқутхон Нуритдиновна – Наманган вилояти болалар силга қарши курашиш санаторийси ҳамшираси

Сабуров Гайратдин Тольбаевич – Нукус тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Хайитов Янгибой Чориевич – Қашқадарё вилояти ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази шифокори

Хамрақулова Зулхумор Ўзоровна – Зомин туманидаги “Мурувват” ногирон аёллар учун интернат уйи бош ҳамшираси, Жиззах вилояти

Юлдашходжаева Мархамат Мингбаевна – “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг Олмалик шаҳар таянч пункти директори, Тошкент вилояти

Ярбеков Рустам Раимкулович – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 8 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАР, ҲОМИЛАДОРЛАР ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

замонавий талабларга жавоб бера оладиган ва илгор технологияларни эгаллаган юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомилдорлар ҳамда болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилаш;

соғлом фарзандларнинг туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини қўлайлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи қўникмаларини шакллантириш.

2. 2019–2023 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомилдорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тақкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) 2-иловага мувофиқ тақкил этилсин.

4. Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва чора-тадбирларнинг ҳар бир вилоятда, туманда (шаҳарда) амалга оширилишини ҳамда масъуллар томонидан уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

аҳоли, энг аввало, ёшлар орасида тиббиёт ва таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, ўсимлар, айниқса, ўсимир қизлар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини тақкил этиш ва олиб бориш;

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизими муассасалари фаолиятини чўқур тақкил қилиш, ушбу йўналишда тегишли вазирлик ва идораларнинг ишчи мувофиқлаштириш, оналар ва болалар касаллигини ҳамда ўлимни камайтириш бўйича таъсирчан механизмларни ўз ичига олган чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади; Кенгаш вазифаларини амалга оширишда тегишли ва идоралар унга ваколатлари доирасида ҳар томонлама қўмақ берадилар ҳамда сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар; Кенгашнинг ишчи органи аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва чора-тадбирларнинг ижроси бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақкиллар киритиб боради.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва БМТ Аҳолишўнослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасининг молиявий қўмағида амалга оширилиши белгиланган Қорақалпоғистон Республикасида ҳомилдор аёллар ва гўдакларга кўрсатиладиган перинатал ёрдам сифатини ва оммабоплигини ошириш лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) 3-иловага мувофиқ маққуллансин.

Лойиҳа доирасида:

кириб келаётган дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникага нисбатан уларни давлат реестрига киритмасдан ва ўрнатилган йиғимларни ундирмаган ҳолда бир марталик давлат рўйхатига олиниши ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатга олиш натижаларининг тан олиниши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ЮНИСЕФ ва БМТ Аҳолишўнослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхоналарига Лойиҳани ўз вақтида сифатли амалга оширишда ҳар томонлама қўмақлаштириш ва бунинг учун зарур ташкилий-амалий чоралар қўриши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аёллар ва гўдакларга кўрсатиладиган перинатал ёрдам тизимини чўқур тақкил қилиш, унинг сифати ва оммабоплигини ошириш бўйича ҳудудий лойиҳаларни (кейинги ўринларда – ҳудудий лойиҳалар) ишлаб чиқсин ва тақкилдан учин белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки: ҳудудий лойиҳаларни амалга оширишдан асосий мақсад перинатал ёрдам сифатини ошириш ва тиббиёт муассасалари инфратузилмаси, уларнинг тиббий ускуналари билан жиҳозланганлик ва кадрлар билан таъминланганлик даражасини Яхши соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш соҳасида тавсия қилинган стандартларга мувофиқлаштириш ҳисобланади;

ҳудудий лойиҳалар ҳар бир ҳудуднинг индивидуал хусусиятлари, шу жумладан, унинг географик жойлашувини аҳоли соғлиғига таъсири, оналар ва болалар касаллигини ҳамда ўлимни даражаси, тиббиёт муассасаларининг жиҳозланганлиги, кадрлар салоҳияти ва аҳолининг тиббий саводхонлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда ҳудудий лойиҳалар доирасида оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш муассасаларини хорижий мамлакатлар, халқаро молиявий ташкилотлар имтиёзли кредитлари ва грантлари ҳамда бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб қилган ҳолда тиббий, шу жумладан, юқори технологияли асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш чораларини қўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қуйидагиларни тақкил этиш тўғрисидаги тақкилларга розилик берилсин: Республика ихтисослаштирилган болалар хирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда – Болалар хирургияси маркази); Республика болалар тиббий реабилитация маркази (кейинги ўринларда – Реабилитация маркази);

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурда Ёрдамчи репродуктив технологиялар маркази;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида, болалар анестезиология-реанимация ва интенсив терапия бўлими ҳамда бемор болаларга туну кун шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи навбатчи шифокор постлари.

9. Белгилансинки: Болалар хирургияси маркази Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази, Республика перинатал маркази қошидаги неонатал хирургия ўқув даволаш методик маркази, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази болалар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар 2-сон болалар клиник шифохонасининг мажмуи ўринлар фонди ва штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ҳудудида давлат тиббиёт муассасаси шаклида;

Реабилитация маркази Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликларни реабилитация маркази негизида ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар бирлашмасининг мажмуи ўринлар фонди ва штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобида давлат тиббиёт муассасаси шаклида;

Болалар анестезиология-реанимация ва интенсив терапия бўлими ҳамда бемор болаларга туну кун шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи навбатчи шифокор постлари туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари шошилинч бўлимининг мажмуи ўринлар фонди ва штат бирликлари негизида;

Ёрдамчи репродуктив технологиялар маркази Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан юридик шахс тақкил этилган ҳолда тақкил этилади.

10. Қуйидагилар:

а) Болалар хирургияси марказининг асосий вазифалари этиб: 18 ёшгача бўлган болаларга кардиохирургия, урология, неонатал хирургия, нейрохирургия ва хирургиянинг бошқа йўналишлари бўйича юқори технологияларга асосланган ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш;

болалар хирургияси соҳаси бўйича юқори технологияларга асосланган фундаментал, амалий ва инновацион илмий тақкилотлар олиб бориш, шунингдек, соҳани жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига интеграция қилиш асосида ривожлантириш;

б) Реабилитация марказининг асосий вазифалари этиб: 18 ёшгача бўлган бемор болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, шунингдек, саломатлигини реабилитация қилиш орқали даволаш, ногиронликнинг олдини олиш;

касалликларнинг профилактикаси ва тиббий реабилитация бўйича юқори технологияларга асосланган ихтисослашган ёрдамга бўлган эҳтиёжни қондириш, республика соҳавий муассасаларига ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш йўлга қўйиш;

в) Ёрдамчи репродуктив технологиялар марказининг асосий вазифалари этиб: аҳолига пуллик асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш,

бепушлиқни бартаф раф этиш, ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қабул қилинган клиник протоколлар ва стандартлар асосида қўллаш;

замонавий ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган энг илгор диагностика ва даволаш стандартларини амалиётга жорий этиш, ушбу йўналишда хорижий давлатлардаги тиббиёт муассасалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш белгилансин.

11. Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Болалар хирургияси марказини қуриш учун Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ҳудудидан белгиланган тартибда ер майдони ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2020 йил 1 апрелга қадар Болалар хирургияси марказини қуриб битказилиши ва стандартлар асосида қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини;

2023 йил 1 январга қадар Болалар хирургияси марказининг қуриб битказилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хусусий тиббиёт муассасалари учун туғруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шугулланишга рухсат бериш тўғрисидаги тақкилларни маққуллансин.

Белгилансинки, туғруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шугулланиш фақат Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Хавфсиз оналик” стратегияси талабларига риоя этилишини таъминлаш олдидан туғруқ, жонлантириш, чакалоқларни жонлантириш, мuddатига етмай туғилган чакалоқларни парварши қилиш, эндовизуал гинекология бўлими, поликлиника, бактериология ва клиник-биокимё лабораториялари ҳамда юқори малакали тиббиёт ходимлари мажмуи бўлган, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва ФХД органлари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви дастурини доимий юриштиш шартли билан хусусий тиббиёт муассасаларига рухсат этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар соғлиқни сақлаш ва ФХД органлари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви дастурини (кейинги ўринларда – Электрон маълумотлар алмашинуви дастури) қуйидагиларни инобатга олган ҳолда тақкиллаштирсин:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш соҳасида тавсия қилинган ҳисобот шакллари билан реал вақт режимида юриштиш;



# МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда)

МДХни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ҳам Ҳамдўстлик доирасида, ҳам жаҳон ҳўжалиги алоқалари доирасида янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, дунё иқтисодиёти ривожланиши жараёнларида етакчи ташкилот сифатида макomini мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ишлаб муҳим ўрин тутди.

МДХга аъзо давлатлар кўпроқ эркинлик шароитида умумий тинчликни мустаҳкамлаш учун БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини қўллаб-қувватлайди ва фаоллик билан амалга оширади.

Барча имкониятлар, жумладан, МДХ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва кооперациядан самарали фойдаланиш МДХга аъзо давлатлар учун жадал иқтисодий ривожланиш ва уларнинг жаҳон ҳўжалиги тизимига таъсирини кучайтириш борасида амалий имкониятлар яратди.

МДХга аъзо давлатларнинг стратегик иқтисодий ҳамкорлиги халқро шартномаларга, МДХга аъзо давлатлар қончилигидаги риоя қилишга, ўзаро манфаатдорликка, тенг ҳуқуқлилик ва камситмасликка, транспарентликка, иқтисодий самарадорликка, ресурсларни тежашга, экологик хавфсизлик ва юқори технологиялардан фойдаланишга асосланади.

МДХга аъзо давлатлар стратегик иқтисодий ҳамкорлигининг максадлари куйидагича: Ҳамдўстликнинг фундаментал асосларини янада мустаҳкамлаш, унинг йирик транспорт ва энергетик лойиҳалар амалга ошириладиган, замонавий инфратузилма, коммуникациялар, халқро транспорт йўлакларни, минтақаларо ва глобал кўламдаги логистик марказлар яратиладиган макон сифатида жаҳон ҳўжалик алоқаларига интеграцияси (барча МДХга аъзо давлатлар интеграцияси каби); Ҳамдўстликнинг иқтисодий салоҳиятини жиддий равишда ошириш ва унинг негизида МДХга аъзо ҳар бир давлатнинг самарали ривожланиши ва барқарор иқтисодий ўсишини, жумладан, камбағаллик камайишини, ишсизлик муаммосини ҳал қилишни; МДХнинг халқро нуфузини ошириш, халқлари манфаати йўлида МДХга аъзо давлатларнинг бир-бирининг ўрнини босишини ва иқтисодий салоҳиятини кучайтиришни таъминлайди.

МДХга аъзо давлатлар стратегик иқтисодий ҳамкорлиги вазибалари сифатида куйидагилар белгиланган:

иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўшма глобал ва инвестицион лойиҳа ва дастурларни илгари суриш орқали Ҳамдўстлик ва МДХга аъзо давлатлар таъсирини кенгайтириш;

БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга ошириш мақсадида МДХга аъзо давлатлар ва учинчи давлатлар ва/ёки нуфузли халқро ташкилотларнинг иқтисодий манфаатдорлиги асосланган самарали ҳамкорлик механизмларини яратиш;

стратегик иқтисодий ҳамкорлик учун кулай шарт-шароитларни шакллантириш, ривожланиш бўйича кўшма глобал ва инвестицион лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда МДХга аъзо давлатларнинг салоҳиятли имкониятларини бирлаштириш ва айна пайтда экологик муаммоларни ҳал қилиш;

инновациялар ва нанотехнологиялардан кенг фойдаланиш, мавжуд табиий ва иқтисодий ресурслардан комплекс тарзда фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, жаҳон иқтисодиёти тизимига ҳамкорлик шакллари кўпайтириш ва шерилик алоқаларини таъминлаш орқали МДХга аъзо давлатлар рақобатбардошлигини ошириш;

жаҳон транспорт тизимига изчиллик билан интеграциялашув ҳамда халқро транспорт йўлакларни, Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналишларидаги асосий маршрутлар ва узеллар бўйлаб МДХга аъзо давлатларнинг миллий инфратузилмаларини янада ривожлантириш;

МДХга аъзо давлатларнинг географик ва инфратузилмаларини имкониятларини, техник, технологик ва транзит салоҳиятини бирлаштириш;

Ҳамдўстлик ҳудудида молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш;

жумладан, глобал даражада иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, халқро хавфсизликни таъминлаш мақсадида коррупцияга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва террорчиликни молиялаштиришга, бошқа хавфлар ва таҳдидларга қарши кураш;

глобаллашув туфайли вужудга келган муаммоларни биргаликда ҳал қилишда юқори даражада самарадорликка эришиш, унинг афзалликларидан халқро молиявий ва маҳсулот бозорларида Ҳамдўстлик ва МДХга аъзо давлатларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш;

Ҳамдўстлик доирасида тегишли халқро ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда халқро капитал бозорига унинг нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида самарали мулоқот майдонини таъминлаш.

Белгиланган мақсадларга эришишда ва қайд этилган вазибаларни ҳал қилишда МДХга аъзо давлатлар фаолиятининг устувор йўналишларини куйидагилар ташкил этади:

миллий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар товарларининг МДХга аъзо давлатлар бозорига эркин кириб боришини таъминлаш мақсадида ўзаро савдо шарт-шароитини либераллаштириш ва янада ривожлантириш, эркин савдо режими, жумладан, хом ашё импорти ва тайёр маҳсулот экспортга оид амалдаги чекловлар ва муомаладан чиқаришларни бекор қилиш;

Корхоналар ва технология ўзаро алоқадор бўлган ишлаб чиқаришлар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, техник қайта жиҳозлаш, инновацион технологиялар бўйича давлатларо дастурларни ишлаб чиқиш, илмий-техник ҳамкорликнинг илғор йўналишларида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

кишлоқ ҳўжалиги, энгил санаят, курилиш материаллари ишлаб чиқариш, заргарлик санаяти каби соҳалар бўйича кооператив лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

биринчи навбатда, МДХга аъзо давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришга муайян таъсир кўрсатадиган транспорт, энергетика ва телекоммуникациялар соҳалари бўйича йирик кўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунинг учун, жумладан, МДХга аъзо давлатларнинг маҳсус иқтисодий зоналарига инвестициялар жалб қилиш;

халқро энергетикага оид таъминотларнинг барқарор тизимини яратиш (ҳам электр энергияси, ҳам углеводородлар бўйича) ҳам МДХ макониди, ҳам глобал энергетика бозорига ҳамкорлик қилишнинг самарали схема ва моделларини ишлаб чиқиш;

БМТ доирасида энергетика соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

энергия таъминоти ишончилигини ошириш ва ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш мақсадида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш;

углеводородларни қазиб олиш, ташиш ва транзит соҳасида ҳамкорлик қилиш;

жаҳон иқтисодиётининг муҳим элементларидан бири бўлган транспорт соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, МДХга аъзо давлатлар худудлари орқали ўтадиган халқро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш; минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда халқро ташкилотлар иштирокда кўп тармоқли ва хавфсиз халқро транспорт инфратузилмасини яратиш; транспорт ва инфратузилмалар соҳасида МДХ макониди МДХга аъзо давлатларнинг учинчи мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқариш ҳамда худудларо алоқаларни ривожлантириш ва Ҳамдўстликнинг транзит салоҳиятини оширишга йўналтирилган йирик халқро ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш, худудларо алоқаларнинг узоқ мuddатида истиқболга кучли туртки бериш, Евроосиё минтақаси янги геоектисодий маконинг пойдеворини қўйиш;

Евроосиёда барқарор транспортни, барқарор транзит боғламининг ривожлантириш ва халқро транс-

порт инфратузилмасини модернизация қилиш нуқтаи назаридан МДХга аъзо давлатларнинг минтақавий иқтисодий комиссиялар, хусусан, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ҳамда Осиё ва Тинч океани учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссия билан ҳамкорлигини кенгайтириш;

МДХга аъзо барча давлатларнинг ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва аҳолининг барқарор ҳаракатчилигини таъминлаш, ички ва халқро туризм ҳажмини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш мақсадида Ҳамдўстликнинг транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш (темирйўллар ва автомаобил йўллари, аэропортлар ва денгиз портлари, кувур ўтказиш транспорти);

халқро юк ташувларини амалга оширишда тариф сиёсати самарадорлигини ошириш ва фискал-маъмурий тўсиқларни бартараф этиш; ташиш жараёнларини оптималлаштириш; транзит юк ташишларда транспорт тизимларининг турли тузилмалари, жумладан, МДХга аъзо давлатларнинг денгиз портлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик даражасини ошириш; МДХга аъзо давлатларнинг ҳаво ҳаракати миллий тизимларини ташкиллаштиришни Халқро фуқаро авиацияси ташкилоти тавсия этган амалиёт ва стандартларга мувофиқ уйғунлаштириш;

йирик транспорт-логистика марказлари ташкил қилиш; молия соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш;

илмий-техник ва инновацион ҳамкорликни биргаликда, жумладан, учинчи мамлакатлар бозорига рақобатбардош маҳсулот яратиш учун асос сифатида кенгайтириш;

МДХга аъзо давлатларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва Ҳамдўстлик доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида рақамли технологиялар, жумладан, сунъий интеллектни ривожлантириш ва ҳамкорликда улардан фойдаланиш;

таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, маданият, ахборот, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик;

фавқулодда вазибалар ҳақида оғоҳлантириш ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик; табиий ва техноген халокатлардан оғоҳлантириш ва уларга қарши ҳаракат қилиш бўйича биргаликдаги ишларни фаоллаштириш; БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибига эришиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши, сув ресурсларини бошқариш, биохилма-хилликни сақлаш, ерлар деградациясига қарши курашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича БМТнинг турли халқро ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

Минтақавий хусусиятларни мустаҳкамлаш – худудлар ва чегараолди худудларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, дўстлик ва яхши кўшнчилик алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда МДХга аъзо давлатлар ва улар худудларининг кўп томонлама ўзаро ҳамкорлигидир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг стратегик иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги декларацияси мақсадларини амалга ошириш МДХга аъзо ҳар бир давлат ва умуман Ҳамдўстликнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш, уларнинг тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ва комплекс ҳамкорлигини кенгайтириш, ўзаро иқтисодий алоқаларини барқарор ривожлантириш; миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, жаҳон инқирозиди хавфлар ва таҳдидларига қарши туриш; тараққиётни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни таъминлаш, жаҳон иқтисодиётида МДХга аъзо давлатлар позицияларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг фаровонлиқ даражасини юксалтиришга кўмаклашиш имконини беради.

**Ашхобод шаҳри, 2019 йил 11 октябрь**

## ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА

2019 йил 1 октябрь ҳолатига Миробод тумани бюджетиди кўшимча манбаларининг миқдори 5 524 000 000 сўмини ташкил этади. Ушбу маблағларнинг камида 10 фоизи жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида сизнинг иштирокингизни жуда ҳам муҳим. Бунинг учун Сиз куйида туманимиз аҳолиси томонидан таклиф этилаётган тадбирларга овоз беришингиз ёки овоз бериш саҳифасининг куйи қисмида жойлашган “фикрингизни қолдириш” тугмаси орқали ўз таклифингизни қолдиришингиз сўралади.

Энг кўп овоз берилган тадбир жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбир ҳисобланади ва туман бюджетиди кўшимча манбаларидан 10 фоизи яъни 552 400 000 сўм маблағ ушбу тадбирни молиялаштиришга йўналтирилади.

Тадбирга овоз бериш ёки таклиф бериш давомийлиги 2019 йил 15 ноябргача қадар давом этади. 2019 йил 15 ноябрдан кейин берилган овоз ва таклифлар ҳисобга олинмаслигини маълум қиламиз! Шу муносабат билан Сиздан, тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

**Миробод тумани Молия бўлими**

## ТАДБИРДА ФАОЛ БЎЛИНГ

Юнусобод тумани маҳаллий бюджетиди 2019 йил 3-чорақ даромадлари кўшимча маблағларининг миқдори 2019 йил 1 октябрь ҳолатига 7 610 890 000 сўмини ташкил этади.

Ушбу маблағларнинг камида 10 фоизи, яъни 761 089 000 сўм маблағ жамоатчилик фикри асосида берилган таклиф ва белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида ҳамшаҳарларимизнинг фаол иштирок этишини сўраймиз.

Бунинг учун сиз [www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz) сайтида туманимиз аҳолиси томонидан таклиф этилаётган тадбирларга овоз беришингиз ёки овоз бериш саҳифасининг куйи қисмида жойлашган “фикрингизни қолдириш” тугмаси орқали ўз таклифингизни қолдиришингиз сўралади.

Тадбирга овоз бериш ёки ўз таклифингизни қолдириш 2019 йил 15 октябрдан 2019 йил 15 ноябргача қадар давом этишини эслатиб ўтаемиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, сиздан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

**Юнусобод тумани ҳокимлиги Молия бўлими**

## ИШТИРОКИНГИЗ МУҲИМ

2019 йил 1 октябрь ҳолатига Сергели тумани бюджетиди кўшимча манбаларининг миқдори 4 063 415 599 сўмини ташкил этади.

Ушбу маблағларнинг камида 10 фоизи яъни, 406 341 599,9 сўм маблағ жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида сизнинг иштирокингизни сўраймиз.

Бунинг учун сиз [www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz) сайтида туманимиз аҳолиси томонидан таклиф этилаётган тадбирларга овоз беришингиз ёки овоз бериш саҳифасининг куйи қисмида жойлашган “фикрингизни қолдириш” тугмаси орқали ўз таклифингизни қолдиришингиз сўралади.

Тадбирга овоз бериш ёки таклиф бериш давомийлиги 2019 йил 15 октябрдан 2019 йил 15 ноябргача қадар давом этади.

Шу муносабат билан Сиздан, тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз!

**Сергели тумани Молия бўлими**

## Реклама ва эълонлар

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Қибрай филиали томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, А.Навоий кўчаси (Қибрай автошоҳбекати рўпарасида) 24/7 иш режимида ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи банк хизматлари шохобчаси қурилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Қибрай филиали ушбу шохобчани ишга тушириш учун банк филиали ва банк хизматлари шохобчаси оралиғида (1,5 км масофада) “Замонавий оптик толала алоқа тармоғи”ни ўрнатиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича ташкилотни танлаш учун

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таклиф ва муносабатлар эълон чоп этилганидан сўнг 7 кун мобайнида ёпиқ конвертда куйидаги манзил бўйича қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси, 7. Телефон: (78) 150-20-87.

Тошкент маданият коллежи томонидан 2016 йилда Раҳматиллаев Довудбек Юсуфжонович номига берилган К № 4461999 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

### “ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Моҳиғул ҚОСИМОВА, У.А. муҳбири

## ЭЗГУЛИККА ОШНО ҚАЛЪЛАР

Яқинда Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактабида “Илм олишнинг фазилати” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда қатнашган Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маъсۇл ходимлари ўз сўзларида бугунги кун ёшларини шу муқаддас юртга муносиб ва садоқатли фарзанд бўлиб қамолга етишлари, кўпроқ китоб ўқишлари, ўзидан катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишлари лозимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, улар яхшилик ва ёмонлик, меҳр ва муруват, инсонийлик фазилатлари хусусидаги фикрларини, ҳаётий мисоллар билан ўртоқладилар. Бадий ва диний китобларни ўқиш ва уларнинг мағзини чақиб ўқиш олиш ҳам бир санъат эканлигини қайд этидилар.

Тадбир сўнгида шайх ҳазратлари Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Ижтимоий одоблар” деб номланган китоблари мактаб ўқувчилари ва ўқувчиларига совға қилинди.

Яқинда мактаб ўқувчиларининг таътили арафасида мактаб кутубхонасига Президентимиз томонидан 400 дан ортиқ китобларнинг совға тариқасида юборилиши устоз ўқитувчилар ва ўқувчиларга катта қувонч бағишлади. Шу фурсатдан фойдаланиб газетангиз саҳифалари орқали юборилган китоблар учун давлатимиз раҳбарига ўқув муассасамиз жамоаси ва ўқувчилари номидан чексиз миннатдорлик билдириб қоламиз.

Зеро, китоблар ёшларимизни онг ва тафаккурини тенг ривожлантириш билан бирга уларда одамийликнинг энг гузал фазилатларини сингдиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Собиржон ХОШИМОВ, Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг тарих, ҳуқуқ ва дин тарихи ўқитувчиси**





БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтказилаётган турли тадбирларнинг асосий мақсади ҳам шунга йўналтирилмоқда.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидида Чилонзор туманидаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Мен ҳам Ватан химоячисиман!" мавзуида ўтказилган кўрик-танловнинг туман bosқичи ҳам шулар жумласидандир.

Унда мутасадди ташкилотлар бошқарма бошлиқлари, Тошкент ҳарбий прокуратураси ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ва тарбиячилар қатнашди.

Кўрик-танлов Чилонзор туманидаги 55-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўртасида ўтказилиб, унда иштирокчилар муассасада олаётган билимларини намойиш қилишди.

— Тадбир Президентимизнинг 2018 йил 4 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролини Қўчлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қарорни қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Чилонзор тумани Мудофаа ишлари бўлими ва туман мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилди, — дейди Чилонзор тумани Мудофаа ишлари бўлимига бошлиғи Шерзода Хикमतова. — Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз-

да илк бор ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг келгусида юртимиздаги барча мактабгача таълим муассасаларида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодга ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳар бир тарбиячи, мураббийнинг олдида турган энг долзарб ва шарафли вазифалардан биридир. Айни вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, олий ўқув юртлири бу масалага ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият бериб келмоқда.

Кўрик-танловнинг финал bosқичида 350-, 284-, 586- ва 534-мактабгача таълим муассасаси иштирок этди. Унда иштирокчилар маҳорати ҳарбий-жисмоний машқлар бўйича ихтиёрий дастур, она Ватан ҳақида, Қуролини Қўчлар фаолиятига бағишланган суратлар чизиш, бадиий-эстетик сахна кўриниши шартларида баҳолаб борилди.

Натижаларга кўра танловда 1-ўринни 534-мактабгача таълим муассасаси ўғил-қизлари эгаллашди. 2-ўрин 586-мактабгача таълим муассасасига насиб этди. 3-ўринга эса 350- ва 284-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари муносиб кўрилди.

Иштирокчиларда қатта қизиқиш уйғотган тадбир якунида голиб жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Кўргазмалар

ОЙ ЁҒДУСИДА АЙТИЛГАН АЛЛА

Тошкент Фотосуратлар уйида "Ой ёғдусида айтилган алла" деб номланган кўргазма очилди.

Ислом Каримов номидаги жамғарма томонидан ташкил этилган мазкур кўргазма жорий йилнинг 25 ноябрга қадар давом этади.

Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси ва аънавий хунармандчилигини оммалаштиришга қаратилган ушбу кўргазма орқали томошабинлар Тошкент, Марғилон, Андижон, Хива ва Гиждувоннинг моҳир бешиқсоз усталарининг ижодий ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Экспозицияда аънавий бешиқсозликнинг ёғоч синчни тайёрлашдан тортиб нақш солишгача бўлган жараёни тасвирловчи фотосуратлар намойиш этилган. Халқ усталари ишларининг хилма-хил намуналари, ҳар бир қисмининг ўта аниқлиги ва ёрқин нақшларининг ўзига хослиги кўргазмага ташриф буюрганларга нафақат миллий маданиятимиз гўзаллигини баҳраманд бўлиш, балки ўзбек бешиқининг тарихий-маиший аҳамиятини ҳис этиш имконини ҳам беради.

Асрлар давомида ҳаёт риштаси чақалоқнинг митти оламини ўзида муҳкам этган бешиқ ила пайванд бўлиб келган. Фарзандларимизнинг илк бошпанаси бўлиши бешиқ Ўзбекистон халқларининг тасаввур ва тахайюл оламига навқирон ҳаёт рамзи сифатида муҳрланган ва аҳоли турмушдан мустақкам ўрин эгаллаган. У авлоддан-авлодга мўтабар омонат тарзида ўтиб, бизнинг кунларга қадар этиб келган. Бугун ҳам ўзбек халқи аънавий маданиятининг тарихий қисмига айланган.

Юртимизда 1990 йиллар ўрталарида бешиқ тайёрлаш бўйича кўҳна марказлар тикланиб, янгилари пайдо бўла бошлади. Бугунги кунда айрим қишлоқ ва шаҳарларда ушбу

хунар билан шуғулланишади. Улар орасида Фарғона водийсининг Андижон, Наманган, Марғилон шаҳарларини энг муҳим бешиқсозлик марказлари сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбекистоннинг марказий ва шимолий худудлари – Самарқанд вилоятининг Ургут, Бухоро вилоятининг Гиждувон ва Навоий вилоятининг Кармана туманларида бу хунар яхши ривожланган. Сурхондарёда эса бешиқсозлик Бойсунда яхши тараққий этган. Хоразм вилоятида бешиқ Урганч, Хазорасп ва Хивада ясалади. Бешиқ ясаш ва бўяш бўйича ҳар бир вилоятнинг ўзига хос услублари бор.

Сулолавий усталар ишлаб чиқариш жараёнининг нозик жиҳатларини ўзлаштириш, бу борада муаллифлик "дастхати"га эга бўлиш учун йиллар давомида бешиқ тайёрлаш сирларини ўрганадилар. Бу хунар устоздан шоғирдига ўтганда "бешиқсозлик" аънаванасини сақлаб қолган ҳолда қандайдир янгилик киритишни назарда тутайди.

Бир неча асрлар муқаддам пайдо бўлган бешиқ Марказий Осиё халқлари маданиятининг ажралмас қисмига айланди ва ҳатто бугунги даврда ҳам ўз ўрнига эга. Буларнинг бари теран рамзийлик туфайлидир. Зотан, ўзбек халқи бешиқ тимсолида чин маънода муқаддас ва мўтабар воқеликни тасаввур этиб келган.

Кўргазмани томоша қилар эканмиз, усталар ясаган бешиқлар тимсолида ўзлгимизни англашиб турувчи яхлит ва нодир шакллар мажмуасида ўзбек халқининг миллий аънавалари ва қадриятларининг юксаклиги ва улғурлигига яна бир бор амин бўламиз.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

"101"

ҲУШЁРЛИК — ОЛОВ ДУШМАНИ

Олов — "тилсиз ёв". Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамиша ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдлик, беписандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек, халқ таълими тизимида ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир.

Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан қичкинтойлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг кўзига ўзгача кўринган оловнинг ўта хавфлиги, ногоҳан содир бўлган ёнгинларнинг оғир оқибатларини тушунтириб, шу фалокатдан узоқроқ юришни ўргатиш ниҳоятда зарур.

Жамол МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

Ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, электр асбоблари ва маиший техника воситаларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик, умуман ёнгин хавфсизлигининг оддий қондаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда қўллаб ёнгин чиқиш ҳолатлари учрамоқда.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси биринчи навбатда ўз шахсий хавфсизлигини, мол-мулки ва албатта жамоат, давлат мулкни кўз қорачигидек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши керак.

Саида АХУНОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан юртимизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг олдини олиш бўйича қатор ишлари амалга оширмоқда.

Турар-жой биналари, турли хил масканларда аҳоли ва маскан ишчи-ҳодимлари ўртасида ёнгин хавфсизлиги қондалари ва уларнинг олдини олиш борасида тушунириш тарғибот-ташвиқот ишлари фаол тарзда олиб борилишига қарамай ёнгинларнинг сони ўсиб бормоқда. Ёнгинлар асосан электр ва электр ускуналарининг носозлиги, ёш болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида юз бермоқда. Шу сабабли фуқароларни ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишга қаққириб қолаш. Шунда сиз ўз ҳаётингиз ва мол-мулкнигизни ёнгиндан сақлашга бўласиз.

Нуриддин БУРХОНОВ, Сергели тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнгинни "тилсиз ёв" деб бехуда таърифлашмаган, чунки у фавқулодда одам ҳаёти, мол-мулкига таъжовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир.

Лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй берган кўнгилсиз воқеаларни гувоҳи бўлишимизга тўғри келяпти. Таҳлилларга кўра, бу бахтсиз ҳодисалар оловга эҳтиётсизлик муносабатида бўлиш, носоз қўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш, ёш болаларни олов билан ўйнаши, носоз газ мосламаларини ишлатиш, хавфсизлик қондаларига риоя қилмаслик ҳолатлари асосий сабаб бўляпти.

Шухрат ҒОҒУРОВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант

Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг беҳосдан узулиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, қаровсиз қолдириш, иситиш тизимларига газни улашда хавфсизлик қондаларига риоя қилмаслик оқибатида ёнгин содир бўлиши ҳамда табиий газ ва ис газларидан захарланиш ҳолатлари юз бериши мумкин.

Натижада инсонларни турли хил тан жароҳати олиш ёки ҳаётдан кўз юмишгача олиб бормоқда. Ушбу ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва манбалари ўрганилиб, таҳлил қилинганда фуқароларнинг табиий газдан нотўғри фойдаланиши, назоратсиз қолдиришлари ва техника хавфсизлиги қондаларига эид равишда иситиш қурималари ҳамда тармоқдан табиий газни сўриб олиш мосламаларининг ишлатишлари аниқланмоқда.

Шундай экан хонадонлар иситиш тизимларига табиий газнинг улашишда метёрий талабларга риоя этишларини сўраб қоламиз.

Қудрат АЗИЗОВ, Кутпиддин НАСРИТДИНОВ, "Бунёдкор" ЁХБ инспекторлари

Ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Зеро, газ ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман, ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли турар жойларида учрайди. Айримлар ҳатто кўра-била туриб қондаларни бузишди, гўёки бу уларга таалуқли эмасдек қарашди. Оқибатда эса ёнгин содир бўлиб, катта зарар келтиради.

Шундай экан, белгиланган қондаларга амал қилинг. Ислом ХУСАНОВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

ХАЛҚАРО БОЖХОНА ФОРУМИДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ

Яқинда Москва шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро божхона форумида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси Муротжон Азимов бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этиб қайтди.

Форумнинг дастлабки тадбири "Божхона тизимининг халқаро замонавий иқтисодий муносабатлардаги ўрни" мавзусидаги давра суҳбати бўлди.

Муҳокамаларда иштирокчилар томонидан келгусида божхонанинг ўрни қандай бўлади, рақамли божхонани жорий қилиш орқали унинг тараққиётини янги bosқичга кўтариш масалалари кенг муҳокама қилинди. Божхона маъмуриятчилигини янада содда-лаштириш ва божхона операциялари учун сарфланадиган вақтни бундан-да қисқартириш юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Форум давомида Давлат божхона кўмитаси раиси Муротжон Азимов Россия Федерал Божхона хизмати раҳбари В.Булавин, Туркия Савдо вазири ўринбосари – Божхона хизмати раҳбари Гонжа Йилмас Батур, Беларусь Давлат божхона кўмитаси раиси Ю.Сенько, Қозоғистон Давлат даромадлари кўмитаси раиси М.Султангазиев, Тожикистон Божхона хизмати раҳбари Хуршед Каримзода ва бошқалар билан учрашувлар ўтказди.

Иштирокчи мамлакатлар божхона хизматлари раҳбарлари ва форум меҳмонлари

Ўзбекистон экспозициясида бўлиб, ўзларининг илиқ фикрларини билдиришди ҳамда Ўзбекистон божхона тизимида амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо беришди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси делегацияси томонидан ташкиллаштирилган экспозиция ҳам форум иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Экспозициядаги Давлат божхона хизмати органлари фаолиятига доир видеороликлар ва кўргазмалар тақдимотлар намойишида соҳага жорий қилинган энг сўнгги ютуқлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Хусусан, иқтисодий манфатлар химояси ва иқтисодий хавфсизлик таъминоти, тезкор ва самарали божхона назорати, тўлиқ ва тўғри ундирилган божхона тўловлари, контрабанда ва божхона қондабузарликларига қарши муросасиз кураш, ташқи савдо операцияларининг йилвосита мониторингини йўлга қўйиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида алоҳида сўз юритилди.

Форум қатнашчиларида Ўзбекистонда жорий қилинган Хавфни бошқарининг илғор миллий тизими, кенг

миқёсда амалиётга татбиқ этилаётган замонавий ахборот технологиялари, Жаҳон божхона ташкилоти томонидан тан олинган минтақадарги ягона Миллий кинология маркази фаолияти, кадрларни касбий тайёрлашнинг янги тизими ва тобора кенгаётган халқаро алоқалар қизиқиш уйғотди.

Экспозицияга ташриф буюрган меҳмонлар нафақат мамлакатимиз божхона хизмати органларининг илғор ютуқлари билан танишишди, балки ўзларини жаннатмакон юрт ва меҳмондўст ўзбек халқи бағрида ҳис қилишди.

Эслатиб ўтамиз, Халқаро божхона форуми 1999 йилдан бери Россияда ўтказиб келинган аънавий "Божхона хизмати" йиллик кўргазмасининг янги шаклидир. Бу йил мазкур тадбир халқаро аҳамият касб этиб, энди унда дунёнинг 27 та давлатдан ташриф буюрган 110 дан ортиқ делегациялар ўзларининг интерактив-кўргазмалар экспозициялари билан иштирок этишди. Умумий ҳисобда бу йил форум 2 мингдан ортиқ қатнашчиларни қамраб олди.

Хусан ТАНГРИЕВ, ДБК Ахборот хизмати бош инспектори

Футбол

"БУНЁДКОР" БИР ПОҒОНАГА ПАСТЛАДИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат миллий биринчилигининг 23-туридан сўнг бронза медаллар учун курашаётган "Бунёдкор" муҳим икки очкодан маҳрум бўлди ва турнир жадалига бир поғона пастлади.

Ушбу турда "Андижон" жамоаси меҳмони бўлган "Қалдирғоч"лар муросасиз ва шиддатли кечган баҳсда зафар куча олишмади. Ҳатто 1:1 ҳисобида якунига етди. Дарвозаларга голларни "Андижон"дан – Ш.Убайдуллаев, "Бунёдкор"дан – Н.Тўхтасинов киритишди.

"Бунёдкор"нинг очко йўқотиши учинчи ўрин учун кураш олиб бораётган "Сўғдиёна"га қўл келди. Жиззахда "Динамо" жамоасини қабул қилган "Сўғдиёна" командаси 3:0 ҳисобида зафар кучди ва турнир жадалига бир поғонага юқорилади.

Қолган беллашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: "Қизилқум" – "Металлург" – 1:1, "Бухоро" – "Кўкюн" – 1912 – 0:1, АГМК – "Локомотив" – 1:1, "Навбахор" – "Насаф" – 1:1, "Пахтакор" – "Сурхон" – 3:1.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Реклама ва эълонлар

IPAK YO'LI BANKI АИТ "Ипак йўли" банки кредитни ихтиёрий суғурта шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилишини маълум қилади. Акциядорлик инновация тижорат "Ипак йўли" банки кредитни ихтиёрий суғурта қилиш бўйича шартнома тузиш мақсадида суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Тошкент Оқшоми Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.